



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (13.364)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 14 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Бунёдкорлик ва ободонлаштириш – тараққиётимиз ва фаровонлигимизнинг ёрқин ифодаси

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10-11 февраль кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 10 февраль куни қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, мева-сабзавот ва пахтани қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари лойиҳалари билан танишди, янги намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларда бўлиб, одамлар билан суҳбатлашди. Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш бўйича йиғилиш ўтказди. Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувори йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташири-нинг иккинчи кунини Термиз шаҳрида перинатал марказини кенгайтириш, урология ва офальмология марказларини ташкил этиш лойиҳалари билан танишишдан бошлади.

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислох этилмоқда. Касалликларни профилактика қилиш ва самарали даволаш мақсадида тиббиётнинг бирламчи бўлини такомиллаштирилмоқда, жойларда замонавий шифохоналар ташкил этилмоқда.

Сурхондарё вилояти перинатал маркази инвестиция дастури асосида 2011-2012 йилларда реконструкция қилинган. Энди марказни янада кенгайтириб, унинг таркибига маслаҳат поликлиникаси ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу поликлиника хотин-қизларни тиббий текширувдан ўтказиш, нуксонли туғилишларнинг олдини олиш, тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Республика ихтисослаштирилган урология марказининг Термиз филиали Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази негизига ташкил этилади. Бу беморларни қабул қилиш имкониятини, урологик касалликларни аниқлаш ва даволаш самардорлигини оширади. 415 ўринли янги марказда зарба-тўқинли литотрипсия, тери орқали эндоурология каби замонавий муолажалар амалга оширилади.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказининг Термиз филиали катаракта, глаукома, диабетик ретинопатия каби касалликларни эрта аниқлаш ва беморни самарали даволаш имконини яратди. Телемедицина орқали Кўз микрохирургия маркази билан маслаҳатлашув йўлга қўйилади. Автобусда мобил офальмологик мажмуа ташкил этилиб, олис қишлоқларда тиббий текширувлар ўтказилади. Илгари гинекологик, урологик, офальмологик касалликларга учраганлар кўпинча Тошкентга бориб даволанар эди. Мазкур лойиҳалар амалга оширилган, беморлар вилоятнинг ўзида замонавий технологиялар ёрдамида даволанади.

Президентимиз ушбу тиббиёт марказлари лойиҳалари билан танишар экан, узоқ ва аҳоли кўп яшайдиган туманларда уларнинг бўлимларини ташкил этиш, одамларни овора қилмаслик учун жойларда қўриқлар ўтказиш, тиббий ва овқатланиш маданиятини юксалтириш зарурлигини таъкидлади. Кадрлар тайёрлаш, ушбу марказ ва қишлоқлардаги шифокорларнинг малакасини ошириш, уларга тажрибали шифокорларни жалб этиш, ажратилган маблағлар ва тиббий ускуналардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тиббиётнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам шундай марказлар, хусусан, кардиология ва болалар касалликларига ихтисослашган клиникалар ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида бунёд этиладиган кўп қаватли уй-жойлар, деҳқон бозори ва савдо комплекси, замонавий истироҳат боғи лойиҳалари билан танишди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги қарорига мувофиқ Термиз шаҳрида етти қаватли 34 арзон уй-жой бунёд этилиши белгиланган. Бундай уйлар аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Имтиёзли ипотека кредити асосида бериладиган икки, уч ва тўрт хонали бешта уй Султон Саодат кўчасида бунёд этилмоқда. 210 хонадона мўлжалланган замонавий уйлар учун ўн гектар ер ажратилган. Лойиҳага кўра, бу ерда иккита мактабгача таълим муассасаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объеклари, маҳалла маркази қурилади.

Шавкат Мирзиёев янги уйларни энг улуг, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига фойдаланишга топшириш, уларда аҳолининг яшashi учун барча шароит яратиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Термиз шаҳрининг Навоий кўчасида қуриладиган деҳқон бозори ва савдо комплекси лойиҳасига 40 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Комплексида деҳқон бозори павильонлари, иккита кўп қаватли замонавий супермаркет, автомобиллар тўхташ жойи қуриш ва йил охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Бундай йирик объекتلари барпо этишдан мақсад халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришдан иборат, деди давлатимиз раҳбари. Бунинг учун комплексни замонавий архитектура талаблари асосида қуриш, атрофини ободонлаштириш, одамларга қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Баркамол авлод ва Ат-Термизий кўчалари кесишган жойда ёшлар боғи барпо этилади.

Президентимиз мазкур боғни шаҳар аҳолиси фарзандлари билан сайр қиладиган, ҳордик чиқарадиган масканга айлантириш зарурлигини таъкидлади. Шу нуктаи назардан лойиҳани яна бир бор синчилаб кўриб чиқиш лозимлиги қайд этилди.

Бу масканда шундай шароит яратиш керакки, унга келиб фарзандларимизнинг тафаккури, дунёқарashi ўзгарсин, маънавияти бойсин, деди Шавкат Мирзиёев. Шу мақсадда боғнинг концепциясида қулайлик ва маданият уйғунлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Истироҳат боғи атрофида автомобиллар тирбандлигининг олдини олиш, ҳудуддан оқиб ўтувчи канал бўйида одамлар дам оладиган жойлар барпо этиш лозим. Буларнинг барчаси ушбу масканда тартиб ва саришалик, фойз ҳукм суришига хизмат қилсин.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё дарёси бўйида бунёд этилаётган “Амударё” болалар соғломлаштириш маркази, бу ерда ташкил этиладиган инфратузилма объеклари лойиҳасини ҳам кўздан кечирди.

Президентимиз Адиб Собир Термизий номидида вилоят ахборот-кутубхона маркази қурилиши билан танишди.

Халқимиз маданиятини юксалтириш, ёш авлод маънавиятини бойитиш ва уларни азалий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш миллиятимизга хос юксак фазилатдир. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар муҳассас.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши бу борадаги ишларни янги боғичда давом эттиришда муҳим дастурламал бўлмоқда.

Янги ахборот-кутубхона марказининг лойиҳа қиймати 7 миллиард 600 миллион сўм. Бу ерда 223 мингдан ортиқ китоб фондига эга ўқув заллари, мультимедиа маҳсулотларини қайта ишлаш учун медиа-студиялар, маълумот алмашиш имкониятини берувчи видеотармоқ заллари барпо этилаётди.

Замонавий иншоотнинг фойдаланишга топширилиши вилоят ёшлари салоҳиятини юксалтириб, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада ошириш, изланувчан ўқувчилар ва талабаларнинг илмий-оммабоп, бадиий, тарихий, тарбиявий-маърифий адабиётларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Марказда мутолаа муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деди Президентимиз. Ўқувчиларга барча қулайликларни яратиш, замонавий “bookcafe” фалиятини йўлга қўйиш керак. Бу ерда одамлар нафакат билимини бойитиши, балки маданият ва маънавиятдан ҳам баҳраманд бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳри марказида бунёд этилаётган “Бахт” боғи ва муҳташам Санъат саройи лойиҳалари билан ҳам танишди. 32,2 гектар майдонда қурилаётган боғда Санъат саройи билан бирга замонавий амфитеатр, “Алпомиш” ёдгорлиги ва хотира хийбони, болалар майдончалари ва стадионлар барпо этилади. Бу ерга туташ ҳудудда япон боғи ва Сурхондарёнинг археологик ёдгорликларини ўрганишга катта ҳисса қўшган профессор Като музейини ҳам қуриш режалаштирилган.

Боғда яшил ҳудудларни кенгайтириш, аҳолининг мазмунли ҳордик қадриятини учун зарур шароитлар яратиш борасида муҳим тасвиялар берилди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 2015 йил 22 майдаги қарорига мувофиқ барпо этилаётган Санъат саройи миллий меъморлик ва замонавий архитектура кўринишига эга бўлади. Уни қуриб, фойдаланишга топшириш учун давлат бюджетидан 132 миллиард 238 миллион сўм сарфланади. Мураккаб конструкцияли, ноёб қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда бунёд этилаётган 700 ўринли Санъат саройи ва 1,5 минг ўринли амфитеатрда пардозлаш ишлари олиб борилмақда.

Мазкур мажмуа том маънода маданият ва маърифат маскани бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Иншоотни жаҳон стандартларига мос жиҳозлаш, бу ерда аҳолининг маданий дам олиши учун барча қулайликлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Қурувчи ва мутахассисларга зарур кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Президентимиз ташаббуси билан фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш, мақсад-муддаолар амалга оширилишини таъминлайдиган тизим яратилмоқда. 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилингани ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мазкур Фармонга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонасида ҳам фуқаролар учун барча қулайлик яратилган. Мурожаатларни қабул қилиш, тиббиёт, она ва бола хоналарида зарур шароитлар ташкил этилган. Қабулхона ҳуқуқий адабиётлар, зарур маълумотлар ва ахборот технологиялари билан таъминланган. Қабулхонага қавиришда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олиё мезонидир”, деган сўзлари битилган. Муассаса фаолияти ана шу мезон асосида йўлга қўйилган. Қабулхона Ат-Термизий майдони, 2-уйда жойлашган.

Халқ қабулхоналарини ташкил этишдан мақсад – жамиятимиздаги адолат пойдеворини янада мустаҳкамлашдир, деди Президентимиз. Ҳоким ва мутасадди раҳбарлар бу ерда халқ билан мулоқот қилиши, ҳар бир мурожаат ўз ечимини топиши керак. Аҳолини қийнаётган масалаларни таҳлил қилиш орқали қонун ҳужжатларини такомиллаштириб борамиз.

Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида “Жануб текстиль” масъулияти чекланган жамияти, “Амудар Текс” Ўзбекистон – Англия қўшма корхонаси ҳамда Шеробод туманида барпо этиладиган “Sherobod textile invest” масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари билан танишди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб ортиб бормоқда. Сурхон воҳасининг табиий иқлим шароити харидорларга қатор имтиёз ва преференциялар қўланилаётгани тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди. Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, маҳаллий шароитда етиштирилган сифатли пахта толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қулайтирилмоқда.

“Жануб текстиль” масъулияти чекланган жамиятида ташкил этиладиган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ишга туширилиши 350 иш ўрни яратиш имконини беради. Корхонада йилгига 5 минг тоннадан ортиқ калава ип ишлаб чиқариш режалаштирилган.

2018 йилда ип ишга тушириладиган “Амудар Текс” Ўзбекистон – Англия қўшма корхонаси йилгига 7 минг тонна калава, ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу ерда 300 киши иш билан таъминланади. 10 миллион доллардан ортиқ қийматдаги тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинади.

“Sherobod textile invest” масъулияти чекланган жамиятида ўрнатиладиган замонавий технологиялар йилгига 17 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Корхона қурилишига 46 миллион доллар маблағ сарфланади. Шеробод туманининг “Сеплон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этиладиган корхона ишга туширилиши билан 700 киши иш билан банд бўлади.

Давлатимиз раҳбари мазкур саноат корхоналари пахта кайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда истиқболли лойиҳалар бўлиб, вилоят иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу ерда Термиз туманида маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш корхонаси лойиҳаси ҳам намойиш этилди.

Президентимиз Термиз шаҳрида барпо этилаётган гўзаю ва қамишдан плита (ДСП) ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳаси билан танишди.

Бунёдкорлик ва ободонлаштириш мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигининг ифодасидир, деди Шавкат Мирзиёев. Шу боис арзон ва сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга, бу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

“Термиз таъминот” масъулияти чекланган жамияти негизига барпо этилаётган корхонада йилгига 30 минг кубметр ДСП маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. 4,2 гектар майдонда 2,9 миллион доллар эвазига қад ростлайдиган янги мажмуада 160 иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти ва “Комфорт инерг сервис” масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилаётган грант ва габбро тошларидан қурилишбоп пардозлаш плиталари ишлаб чиқариш, Термиз механика заводи кенгайтириш лойиҳалари билан ҳам танишди.

Йилгига 80 минг квадрат метр гранит маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган пардозлаш плиталари корхонасида 205 иш ўрни яратиш режалаштирилган.

“Навоий кор-металлургия комбинати” давлат корхонаси томонидан амалга оширилаётган Термиз механика заводи кенгайтириш лойиҳаси қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини арзон, сифатли асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлайди. Фермер ҳўжалиқлари ва соҳага ихтисослаштирилган корхоналарнинг электр двигателлари, асбоб-ускуна ва жиҳозларини, насосларни сифатли таъмирлайди. Мева-сабзавот маҳсулотларини тозалаш қуритадиган қулай ва ихчам технологияларни ишлаб чиқариб, фермерларга етказиб беради.

Янги корхонанинг тўла қувват билан ишга туширилиши вилоятда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш қўламини кенгайтириб, замонавий ускуна қадоклаш ва истеъмолчиларга етказиб беришда муҳим омил бўлади. Корхонада 80 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари янги корхоналарни замон талабларига мос технологиялар билан жиҳозлаш, маҳсулотларни нафакат ички бозорга, балки экспортга йўналтириш чораларини кўриш лозимлигини таъкидлади. Мута-саддиларга тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташири, сафар давомида белгилаб берилган улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар, одамлар билан самимий мулоқотлар воҳа халқига катта хурсандчилик бағишлади, уларни янги марралар сари руҳлан-тирмоқда.



● Термиз темир йўл вокзалида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара кўшинларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун Сурхондарё вилоятига келган аскарлар тантанали кутиб олинди.

● Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси Жиз-зах вилояти кенгазининг 2016 йил фаолияти якунлари ва 2017 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокамасига ба-ғишланган пленуми бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида “Алишер На-воий ижодий меросининг умум-башарий таънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди.

● Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, меҳнат бошқармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан Гулистон шаҳрида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 192 корхона, таш-килот ва муассаса 1 минг 355 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир давомида 165 киши иш билан таъминланди. Бўш иш ўринларининг 328 таси касб-хунар коллежларини битирган ёш мутахассисларга мўлжаллангани-ни ҳам алоҳида таъкидлаш ло-зим.

● Андижон вилояти Шахрихон туманида “Аҳолининг шахсий томорқа ва деҳқон ҳўжалигига асосланган тадбиркорлик ташаб-бусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга кўмаклашиш” мавзусида очик мулоқот бўлиб ўтди.



● Тинимсиз ёмғир ёғиб, сув-лар ўзанидан тошиб чиққанлиги сабабли Калифорниядаги тўғон-нинг дамбаси ўпирилиб, катта ҳудудларни сув босди. Шу са-бабдан 200 мингдан ортиқ яқин атрофда истиқомат қилувчи аҳоли хавфсиз жойларга кўчи-рилди.

● Альп тоғларининг Франция ҳудудидаги қисмида кучли қор кўчиши рўй берганлиги боис хавфли жойларда ҳаракатланаёт-ган тўрт нафар сноубордчи қор тагида қолиб ҳалок бўлди. Ҳозир-да уларни қидириш ишлари кет-моқда.

● Хитойлик археологлар Шэнь-си музофотининг Сиань шаҳри-даги ер ости ғорида олиб бори-лаётган қазих ишлари чоғида бундан қарийб 3 минг йил му-қаддам яшаган тимсоҳ қолдиқла-рини топишди. Эндиликда ушбу топилма ёрдамида бир неча минг йил аввалги тимсоҳлар ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин.

РАУФХОН САЛАХЎЖАЕВ – ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ИҚТИСОДЧИЛАРИ САФИДА!

Хушхабар: ўзбекистонлик иқтисодчи дунёнинг 100 та энг кучли ёш иқтисодчилари рейтингига киритилди!

Рўйхатни ҳаяжон билан кўздан кечириб бошладим. Қани бизнинг азамат?! Биринчи элликтиликда Осиёдан уч вакил: Япония, Ўзбекистон ва Ҳиндистон. МДХ давлатларидан эса ягона номзод Ўзбекистондан! Дунёнинг 100 энг кучли ёш иқтисодчилари орасида Англия банки, Гарвард, Стэнфорд университетлари, Париж иқтисод мактаби номзодларини ортда қолдириб, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети иқтисод фани ўқитувчиси Рауфхон Салахўжаев 32-ўринда турибди.

Мамлакатимиз шаънига қўшилган муносиб ҳисса, умуммамлакат муваффақиятидан шодланиб, Шарқ ренессансига ҳаёлим кетди. IX асрдан XIII асрнинг ўрталаригача давом этган илк Ўйғон даврида илм-фан уч йўналишда ривожланган. Улардан бири математика-тиббий йўналиши бўлиб, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний математикага оид, Закарий ар-Розий кимё, Ибн Сино, Журжоний, Абу Райхон Беруний тиббиёт ва фалсафага оид йирик асарлар яратди. Ақл-зақоси билан Марказий осийёлик алломалар жаҳон тамаддуни бешигига беназир дур қадади.

Дилга шодлик ингани бежиз эмас. Замондошимиз Хоразмий ёққан оловни қайта алангалатди. Хали ўттиз ёшни қаршиламаган қаҳрамонимиз макрониктисоддаги янги йўналиш "Иқтисодий ўсишнинг чуқур омиллари" бўйича тадқиқот олиб бораётган кам сонли олимлардан. Илмий иши давлатларнинг иқтисодий ривожланишида интеллектуал капитал ва бозор институтларининг ролини тадқиқ этишга бағишланган. Рауфхоннинг 20 га яқин илмий мақоласи "Intelligence", "Kylos", "Environmental Research" каби дунёнинг етакчи илмий журналларида chop этилган, "Forbes" агентлиги, "National Policy" институти томонидан юқори баҳоланган.

Ёш иқтисодчи олим 2012 йили АКШнинг "Fulbright" стипендияси голиби бўлиб, Нью-Йорк давлат университетида иқтисод магистри илмий даражасини олган. Ҳозир таълим даргоҳида муаллимлик қилиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макрониктисодий тадқиқотлар институтида катта илмий ходим бўлиб ишламоқда.

Рауфхон Салахўжаевнинг муваффақияти Тошкент Халқаро Вестминстер университети учун Лондон иқтисод мактаби, Англия банки ва Браун университети каби нуфузли илмий марказлар қаторига киришга йўл очди. Ўзбекистоннинг ушбу рейтингдаги иштироки мамлакатимиз нуфузи, илмий салоҳиятини намоён этди.

Мазкур рейтинг RePEc (Research Papers in Economics) "Иқтисодийёт фанлари бўйича илмий мақолалар" ташкилоти томонидан тузилади. Ўшани Англиядаги Федерал резерв банки тадқиқотлар бўлими мувофиқлаштириш ва дунё бўйлаб 50 мингдан ортиқ иқтисодчилар фаолияти кузатиб борилади. RePEc мақолаларга келтирилган иқтибослар, chop этилган журнал нуфузи каби категорияларга асосланиб, турли тоифалар бўйича энг яхши иқтисодчилар рейтингини тузади. Рейтингда асосан Гарвард, Йель университети, Лондон иқтисод мактаби битирувчилари ва ходимлари устун турган.

Рауфхоннинг ютуғи келгусидаги зафарларига дебача бўлсин!

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎЗА мухбири

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган "Асл ойна" акциядорлик жамиятида Италиядан келтирилган янги линия қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ЯНГИ ЛИНИЯ ИШГА ТУШДИ



Унда "Ўзвинсаноатхолдин" холдинги компанияси раҳбарлари, хорижий ҳамкорлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилаётгани ўзининг ижобий самарасини бераётганини таъкидлади. Шунингдек, ушбу линиянинг ишга туширилиши қўллаб-қувватлаш бўлиб, янги иш ўринларининг яратилишига ҳамда оилалар фаровонлигига хизмат қилади. Шу билан бирга ички бозорда бу каби маҳсулотга бўлган талабни қондирибгина қолмасдан, экспортга йўналтирилаётгани мамлакат иқтисодиётига янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Ҳозирга қадар корхонада 130 турдаги шиша маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган эди. Янги қувват ишга тушгач, турфа хил кўриниш ва рангидagi рангли ва рангсиз шиша идишлар тайёрланади.

Куни кеча корхонада Италиянинг "Стара Гласс" ва "Баттер" компанияларининг энг сўнгги замонавий технологияси билан жиҳозланган янги линия ишга туширилди.

Шу пайтгача Германиянинг "Хайе-интернэшнл" компаниясининг технологияси кўмағида 130 хилдаги дизайндаги шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариётган эдик, – дейди акциядорлик жамияти директори вазифасини бажарувчи Хусниддин Нормухомедов. – Эндиликда ушбу янги қувват ишга тушуши муносабати билан халқаро ва Европа сифат талабларига тўла жавоб берадиган турфа дизайн ҳамда сизимдаги рангли ва рангсиз қадоклаш шиша идишлари тайёрлаш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, 150 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланади.

450° ҳароратда шиша пиширайдиган мазкур линияни бошқариш бир мунча мураккаблиги боис ишга олинган ушбу ёшлар уч ой давомида ўқитилиб, илгор технологияларни бошқариш борасида билимлари оширилди. Эндиликда қўшимча равишда бир кеча-кундузда 120 тонна шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур идишлар мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва सबзотлар маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоклаш, консерва, ёғ-мой, вино ва салқин ичимликлар саноати маҳсулотларининг хари-доргирлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Айтиш жоизки, юртимизда шиша ишлаб чиқариш билан шугулланадиган корхоналар саноқли бўлиб, бундай маҳсулотларга талаб ҳамisha юқори бўлиб келган. Мазкур корхона ҳозирга қадар ички бозорнинг шиша идишларга бўлган талабини 70 фоизга тўлдириб келаётган эди. Эндиликда ушбу кўрсаткич янада юқори бўлиш билан бирга экспортга кўпроқ маҳсулот чиқариш мумкин бўлади.

Янги линия кўмағида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг халқаро андозаларга мослиги ҳамда юқори сифати таъминланади, – дейди корхонанинг бош технологи Фарход Исмаилов. – Унинг ёрдамида хомашёни аралаштириш, куйдириш, қуйиш, саралаш, қадоклаш жараёنлари мукамал бажарилиши эвазига шаффоф,

тиниқ рангли оқ шиша идишлар тайёрлаш имконияти янада кўпаяди.

Энг асосийси, шиша маҳсулотлари юртимизда мавжуд қум, доломит, оҳак, кальций содаси каби маҳаллий хомашёлардан фойдаланилган ҳолда тайёрланмоқда. Технологик жараёнларнинг автоматик бошқарилиши эса маҳсулотларни бир маромида, сифатли тайёрланишни кафолатлайди. Қарийб 470 иш ўрни яратилган мазкур корхонада йилига 120 миллион донга турли сизимдаги қадоклаш идишлари ишлаб чиқарилади. Илгари юртимиздаги кўпгина корхоналар ана шундай шиша идишларни четдан валютага харид қилар эди. Янгилик сифатида шунга айтиш мумкинки, ушбу линиянинг ишга тушуши муносабати билан, салқин ичимлик хисобланган кока-кола шиша идишларини ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилмоқда.

Биз уч йилдан буён мамлакатингиз бозорида фаолият юритаёلمиз, – дейди Италиянинг "Стара Гласс" компаниясининг тижорат масалалари бўйича директори Жоржио Занфорлин. – Шунга айтиш мумкинки, бу ерда ушбу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талаб юқори. Бундан билиш мумкинки, мамлакатингиз иқтисодиёти юқори кўрсаткичларда ривожланишда давом этмоқда.



Бундан ташқари, корхона томонидан ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳам яхши йўлга қўйилган. Ишчилар махсус қийим-бош билан таъминланган. Тушлик ва бечки овқат ташкил қилинган. Шунингдек, тиббиёт хонаси керакли асбоб-ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланган.

Янги линиянинг ишга тушуши муносабати билан ўтказилган тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

3. ЗАРИФҶОНОВ

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан бир гуруҳ ёшлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақуруви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Куролли Кучлар фахрийлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматини ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. "Умумий ҳарбий мажбурият

ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунга мувофиқ фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат муддати 12 ойни ташкил этади. Қақурув комиссиялари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида улар таркибига жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари вакиллари киритилди.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаш олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Бу мамлакатимиз Куролли Кучлари сафларини пухта тайёргарликка эга қақурулувчилар билан тўлдириш имконини берди. Масалан, жорий йилда бар-

ча қақурулувчилар уч йўналиш бўйича тест синовларидан ўтказилди. Йигитларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг мактаб таълими дастуридаги мажбурий фанларни ўзлаштириш даражаси, интеллектуал ривожланиш даражаси, шунингдек, мослашувчанлик ва чидамлилиқ қобилияти текширилди. Шунингдек, улар жисмоний тайёргарлик синовидан ўтказилди. Тест синовлари якунида миллий армиямизда муддатли ҳарбий хизмат қилиш учун энг юқори балл эгалари саралаш олинди.

Бобом ҳарбий алоқачи сифатида Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг қилган, – дейди ЎЗА мухбирига қақурулувчи Шерзод Ҳайдаров. – Ўзим ҳам 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига тугилганман. Шу кунга бобом доимо ҳарбий либосини кийарди. Бу менда юксак гуруру ва ифтихор туйғуларини уйғотиб, келажакда ҳаётимни Ватанимизга хизмат қилишга, ҳарбий соҳага боғлашимга сабаб бўлди. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотда радиотелефончилик бўйича билим ва кўникмаларни эгаллаб, армияга жўнаяман. Ҳарбий хизматдан сўнг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳарбий мутахассис бўлиш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида ўқишга кирмоқчиман.

Роман БОНДАРЧУК

яни, шунингдек, максимал қувватни бир вақтда ўлчаш ва назорат қилиш имконини берувчи "Альфа" А-1700-русумидаги кўп функцияли электрон ҳисоблагич ва ДТС (ЕХ)-541-русумидаги электрон ҳисоблагич асосида яратилган электрон тизим шахримиздаги бир нечта саноат корхоналарининг технологик жараёндаги электр энергия сарфини компьютер орқали бошқариш имконини берганлиги ҳамда электр энергияси сарфининг кескин қисқартирилишига эришилаётганлиги мисол тариқасида кўрсатиб ўтилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқ бойлиги бўлган ёқилғи-энергетика ресурсларидан, хусусан, электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва фойдаланилган электр энергияси учун ҳақларнинг ўз вақтида тўлалишини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Суннатулла ВАЛИХАНОВ,
"Ўздавэнегрогазорат" инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими катта инспектори

Юнусобод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2016 йил 20 декабрдаги 417-сонли хатига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Юнусобод туманида 2017 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия тариқаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника: воситалари, машина асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия тариқасини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш майдончаларига ййиш;

техник кўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан ййгим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўрономасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга: билдиришномани олгандан сўнг техник кўриқ ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган ййғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хайтов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўқил бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Ж.Набиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУҚнинг Юнусобод туман тармоқ администратори (А.Абдуваликов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва yunusobod.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарор кучга киргандан сўнг, Юнусобод тумани ҳокимининг 2016 йил 12 январдаги "Юнусобод туманида 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги 23-сон қарори ўз кучини ййқотган деб хисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.М.Халисов зиммасига юклансин.

Юнусобод тумани ҳокими
М.Мирқосимов

2017 йил 31 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Бу борада "Ўздавэнегрогазорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими томонидан бир қанча самарали ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тадбирлар шулар жумласидандир. Яъни, инспекция томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши тасдиқлаган текширувлар режа-жадвалига асосан ўтказилаётган текширувларнинг сифати истеъмолчиларнинг электр энергиясидан фойдаланишда йўл қўйилган қоидабузарликларни учун уларга нисбатан қўлланилган иқтисодий жарималарнинг миқдори ёки

ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

сонига эмас, балки хўжалик юритувчи субъектларнинг халқ бойлиги хисобланган ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишини йўлга қўйилишига қаратилмоқда. Шу ўринда Тошкент шаҳар бўлими томонидан энергетика бўйича ўтказилаётган текширувларда хўжалик юритувчи субъектларга электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича, электр қурилмаларининг техник ҳолати белгилан-

ган қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган даражада эканлигига эътибор қаратилиб, электр энергиясидан фойдаланишда техника хавфсизлиги талабларини бажаришга қаратилган тавсиялар ҳам берилмоқда ва уларга бу масалалар бўйича амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу брада бир қатор ўқув-семинарлари ўтказилиб, "Ўздавэнегрогазорат" инспекциясининг тавсиясига кўра ўрнатилган актив ва реактив энерги-

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди куни



Сўнгги йилларда, аниқроғи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллигидан сўнг унинг шахсияти ва авлодларининг бой меросини ўрганишга бўлган қизиқиш янада кучайди. Бобур ўзининг мураккаб ҳаёт йўли, зиддиятли дунёқараши, айни пайтда бой адабий, илмий мероси билан ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин эгаллайди. У ўзининг қирқ етти йиллик умри мобайнида “Мубаййин”, “Рисолайи волидийя” номли шеърӣ асарлар, жаҳонга шухрати кетган “Бобурнома”ни ёзди. “Хатти Бобурий” деб номланган янги алифбе тузди, аруз, қофия, мусиқа ва ҳарб ишига онд рисоалари билан илмга катта ҳисса қўшди.

насидадан шу кунга қадар умуман бирорта каталогда қайд этилмаган Бобур қўлёзма девонининг янги иккита нусхасини топишга муваффақ бўлинди. Бу нусхаларга муаллифнинг Урта Осиё ва Афғонистон давридаги ижодида онд шеърлари кирган. Қўлёзма колофониде девоннинг тарихи ва уни қўйириган котиб ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳайдаробод девонининг нусхасини Париж нусхаси билан қўйири ўрганиш шунини кўрсатдики, ҳар иккала нусха шеърларнинг ҳажми, тартиби жиҳатидан бир-бирига жуда ўхшашди.

Бобур мероси билан танишар эканмиз, унинг авлодлари ва Ҳиндистондаги туркиёй шoirлар ижодиёти ҳақида ҳам талайгина янгиликларни аниқлашга муваффақ бўлинди. Байрамхон, Шайх Жамолӣ, Ҳумоюн, Комрон, Губаданбеғим, Форӣғӣ, Дийдо, Ишшо Оллохон, Азфарӣ каби қатор шoir ва олимларнинг баракали ижод қилганликларини бизга қимматли маълумотлар беради. Ҳиндистонга қилинган илмий сафарлар

лигини тасдиқловчи 20 дан ортӣқ Ҳиндистон давлат арбобларининг муҳр ва дастхатлари келтирилади. Шулар орасида Акбарнинг ўғли Жаҳонгирнинг мазкур девонини қўздан кечириб чиққанлиги ҳақидаги қайди ҳам бор.

Азфарӣнинг улкан адабий меросига назар ташлар эканмиз бизнинг кўз ўнгимизда шoir, тарихчи ва тилшунос олим сифатида намойён бўлади. У ўзбек адабиёти тарихи ва унинг йирик вақиллари ҳаёти, ижоди билан ақиндан таниш бўлган. Ўзбек адабиётининг йирик намояндалари Навоӣ ва Бобур ижодини чуқур ўргангани ҳолда уларнинг асарларидан руҳланиб китоблар ёзган. Унинг турли соҳаларга онд 15 дан ортӣқ асарлари ўзбек адабиёти вақилларини Ҳиндистонда тарғиб қилишда алоҳида ўрин тутади.

Маълумки Бобур ва Бобурийлар яратган илмӣ, бадий, қомусӣ асарлар неча асрлардан буён турли халқлар томонидан мутлаақ қилинмоқда, авайлаб, эъзозланиб

ўзбекнинг қалби ва шуурини ҳайратга солма қўймайди.

Глен Маркоӣнинг айтишича, Бобурийлар ҳукмдорларига мансуб бўлган бу тарихий обиде ва ашёрларнинг Санъат музейига келиб тушиши ўз тарихига эга экан. Уларнинг бир қисми, сопол буюмлар, мисдан ишланган кўза ва Қашмир рўймоллари музейга ҳарид қилинган (XVIII-XIX асрларга онд) бўлса, бир қисми хоним Жозеф Сван Нив ва Рат Харрисонлар томонидан 1923 йилда Деҳлида Имр Швейер исмли тадбиркордан сотиб олинган. Бу нодир тарихий ва маданий ёдгорликлар 1950-1951 йилларда Жон Наҳак томонидан музейга ҳадя сифатида топширилган.

Музей фондида сақланаётган Бобурийлар кутубхонасига онд айрим қўлёзмаларга ишланган миниатюраларда Ҳиндистон мамлакатини бирлаштириш ва ягона империя барпо этиш йўлидаги ҳарбий юришлар акс эттирилган. Мазкур қўлёзмаларда Ҳиндистон давлат арбоблари – Ҳумоюн, Акбаршох, Шохжаҳон, Доро Шухӯх, Шох Шухӯх ва Аврангзебнинг севимли ўғли Аъзамшоҳ сиймоларининг ва Бобурийларнинг Ҳиндистондаги сўнгги ҳукмдорларидан бири Акбар II нинг ўз аъёнлари ҳузуридаги тасвири акс эттирилган миниатюралари Бобур ва унинг авлодларининг жаҳон цивилизацияси ривожига нақадар улкан ҳисса қўшганлигини ёрқин далилловчи тарихий ҳужжатлардир.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек бир ўлкада буюк Бобур ва Бобурийларга тегишли тарихий ва маданий ёдгорликларнинг муҳасамлангани албатта биз учун жуда қувончли ва қутилмаган воқеа бўлди. Биз Бобурийлар ва бошқа аждодларимизга онд қўйлаб маълумотлар, манбалар ҳалигача Интернет саҳифаларига киритилмаганига, улар ер юзининг қўйлаб музей ва кутубхоналарида сақланаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш борасида ҳали тинмай ишлашимиз керак бўлади. Ҳозирча ўзбек халқининг чет эллардаги бой меросини бир қисминини кўлга киритдик, холос. Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг китоб хазиналарида сақланаётган катта қисми билан танишмоқ, суратга тушириб келмоқ, ҳали топилмаган манбаларни эса фаоллик билан изламоқ зарур. Бунинг учун катта миқёсдаги илмий қўллар сафарбар этилмоғи керак. Бу ҳайрли ишда ўз ота-боболаримиз меросига, тарихий маданиятига бефарқ бўлмаган ҳар бир ватанпарвар ўзбек зиёлиси ўз фидойилигини амалда кўрсатмоғини истардик.

Саидбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

БОБУР МЕРОСИНИ ИЗЛАБ

шунини кўрсатадики, Навоӣ ва Бобур ижоди билан боғлиқ бўлган қўлёзма манбалар Ҳиндистоннинг Деҳли, Аллигар, Ҳайдаробод, Калькутта ва айниқса, Мадрас шаҳарларининг қўлёзма хазиналарида талайгина мавжуд экан. Улар билан танишиш жараёнида Бобур аъёнларини Ҳиндистонда давом эттирган ва туркий халқлар адабиётига маълум ҳисса қўшган шoir, олим ва моҳир таржимонлар силсиласи юзга чиқа бошлади. Булар орасида Бобурийнинг ўғли Комрон Мирзо, ҳинд, форс-тожик ва ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, Бобурийлар авлодидан бўлган Мирза Али Бахт Азфарӣларнинг бизгача етиб келган қўлёзмалари эътиборга лойиқдир.

Манбаларнинг хабар беришича, Мирза Комрон ҳам отаси каби ижоди билан ўзбек ва форс-тожик адабиётининг равнақиға ҳисса қўшган зулфисонаин шoir бўлган. Лекин унинг ижоди ҳақида биз ш вақтгача тўла тасаввурга эга эмас эдик. Унинг девонининг асл қўлёзма нусхаси Ҳиндистоннинг Патна шаҳридаги Худобахш кутубхонаси хазинасида сақланиб келмоқда. Девонга ўзбек ва форс-тожик тилларида яратилган шеърлар киритилган бўлиб, у 1556 йили Маҳмуд бин Исҳоқ аш-Шаҳобӣ томонидан гўзал ҳусниҳат билан қўйирилган. Мазкур қўлёзманинг тарихий аҳамияти шундаки, унинг бошланиш ва охири саҳифаларида ўзларининг Бобурийлар хонадонига мансуб

даврлардан даврларга ўтиб келмоқда, ўнлаб тилларга таржима қилиниб, истезоддлик котиблар томонидан қўйрилиб, моҳир мусавирлар, нақшошларнинг мўйқалами билан зийнатланиб, инсоният тафаккурини бойитмоқда, инсонларга маънавий завқ-шавақ бағишламоқда. Бобурийлар яратган бой мерос жаҳоннинг турли хазиналарида муносиб ўли олганлигининг ўзи бу меросга бўлган қизиқишнинг ҳозир ҳам нақадар катта эканлигинидаллолат беради.

АҚШ Оғая штатининг пойтахти Цинциннати шаҳрида ўнлаб музей ва йирик кутубхоналар мавжуд. Шулар орасида ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида кўзга ташланиб турадиган муҳташам бинода Санъат музейи жойлашган бўлиб, онда Америка ва Европа тарихига онд ноёб асарлар намойиши билан бирга Шарқ халқлари, айниқса форс ва туркий халқлар маданиятига онд бой мерос ҳам унинг хазинасида кўз қорачиқдек сақланиб келаяётганлиги бизни таажубга солиди.

Таажубки, Цинциннати шаҳридаги Санъат музейи хазинасида ўзбек халқининг буюк шoirи, давлат арбоби ва қолаверса Темурӣлар сулоласининг Ҳиндистондаги давомчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларига мансуб шахзодаларнинг 1526 йилдан то 1858 йилгача бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларининг онг ноёб нусхаларининг музейдан жой олганлиги ҳар бир

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида Алишер Навоӣ таваллудининг 576 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 534 йиллигига бағишлаб “Буюк сиймоларни ёд этиб” мавзуйда давра суҳбати ўтказилди.

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БУЮК НАМОЯНДАЛАРИ

Тадбир Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими, Юнусобод тумани Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшма кенгаши томонидан ташкил этилиб, онда факультет деканлари ва ўқитувчилар қатнашди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ректори Ш.Исроилов очиб берар экан, ғазал мулкунинг султони Алишер Навоӣ ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт йўли, ижоди, мамлакат равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борган фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирда сўз олган ЎзМУ профессори О.Мадаев ва бошқалар буюк аждодларимиз илмий-маърифий мероси ёшларни миллий ифтихор ва ватанпарварлик руҳида тар

Маълумки,
мамлакатимизда ҳар йили
февраль ойида буюк
бобокалонларимиз
Алишер Навоӣ ва
Заҳириддин Муҳаммад Бобур
таваллуд топган
кунларни кенг миқёсда
нишонлаш аънаанага
айланган.

НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ

Куни кеча Учтепа туманида жойлашган 194-умумий ўрта таълим мактабида “Навоӣхонлик” ва “Бобурхонлик” кунлари муносабати билан “Алломаларимиз ҳаётидан” деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Очик дарс услубида бўлиб ўтган ушбу тадбир аввалида сўзга чиққан, 194-умумий ўрта таълим мактабининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Феруза Турсунова, ўзбек тили ўқитувчиси Жаннат Ангунова ва бошқалар улуг алломаларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг юксак инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарларининг мазмун-моҳиятини келажак авлод онгига сингдиришга ҳозирги даврга келиб алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, шу муносабат билан ташкил этилган “Навоӣхонлик” ва “Бобурхонлик” кунла

ри бу борадаги ишларнинг изчил давом этиши, улар ҳам ўз навбатида, билим ва тафаккур бобида буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлиб тарбия топишлари кераклиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

– Бугунги бўлиб ўтган тадбир ўқувчиларимизда улуг мутафаккирларимиз асарлари мазмунини чуқур англашга, уларни онда Ватанимизга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Ҳозирги глобаллашува жараёнида “оммавий маданият”нинг ёшлар онгига салбий таъсирининг олдини олишда ҳам мана шу каби маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни беқисб, деб ўйлайман. Ахир, заманимиз инсоният цивилизациясининг қадимий ўқовларидан бири эканлигини бутун дунё ҳамжамияти тан олиб туриб



ди. Ўйлаيمанки, келажакда ўқувчиларимиз орасидан мамлакатимиз равнақиға ўз ҳиссасини қўшадиган инсонлар етишиб чиқади. Бунинг учун фақат ва фақат илм олиш зарур. Бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса мақсадада мувофиқ бўлади, – дейди 194-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ўқитувчиси Дилбар Раҳимбобоева.

Шунингдек, йилги ишда ўқитувчи-педагоглар Навоӣ ва Бобур ижодини янгича услуб ҳамада ёндашувлар асосида ўқитиш, ўқитувчиларнинг илгор тажрибаларини оммалаштириш ҳуусусида фикр алмашинди.

Тадбир якунида мактаб ўқувчилари Алишер Навоӣ ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиға мансуб шеър, рубоӣй ва ғазалларни ифодали тарзда ўқишлари ҳамада ўзлари тайёрлаган қўй-қўшмаклар билан иштирок этиб, йилгиларини ҳушунд этдилар.

Баходир ЖўРАЕВ
Козим Ўлмасов олган сурат

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК – ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

Тошкент давлат юридик университетиде “Замонавий илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили” мавзуйда илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимиз етакчи илм-фан намояндари билан учрашувидеги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур анжуманга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази ва бошқа бир қатор олий ўқув юртлари вақиллари, олимлар ва ёшлар тақлиф этилди.

Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Қанъязов, проректор З.Эсонова, юридик фанлар доктори О.Оқюлов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари профессори Б.Пулатов ва бошқалар мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ёш олимларни тарбиялашга қўмақлаштириш, улуг ўртасида ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, инновацион ғоя ва ишланмаларни амалиётда татбиқ этишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

– Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари фаолиятини тақомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисидаги фармони бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим дастуруламал бўлади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори А.Отажонов. – Бу ҳужжат ҳуқуқ соҳасида ишланаётган олимлардан ҳам самарали ишлашни, улар яратаятган илмий янгиликлар юртимизнинг порлоқ келажак йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлишини талаб этади.

Тадбирда “Юридик фанлар ва жамият тараққиёти: таъсир ва акс таъсир”, “Замонавий юридик билим тизимида амалий-қасбий тайёргарлигини ривожлантириш масалалари”, “Жиноят қонунчилигини тақомиллаштиришда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти”, “Илмий-тадқиқот натижаларини амалиётда қўллашнинг шартономавий-ҳуқуқий асослари” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Илмий-назарий конференцияда фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, таълим тизimini замон талабларига мос равишда ривожлантириш каби масалалар юзасидан фикр алмашинди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

КЎРГАЗМАДА ҲАЁТИМИЗ АКСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академиясининг 20 йиллигига бағишланган, 23 нафар Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси фотосўйбаси аъзоларининг ҳисобот кўргазмаси очилди.

Унда таниқли фотосуратлар қаторида ёш фотографикларнинг олган фотосуратлари ҳам намойиш қилинмоқда. Экспозицияда 180 га яқин муҳорат билан олинган фотосуратлар тақдим этилган бўлиб, уларда юртимиз гўзал табиятининг мафтункор гўшалари, амалий санъат намуналари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, заманимиз неъматлари, тарихимизни эслатувчи турар жойлар, маданий ҳаётимиз, тиббий ходимларимиз ҳаётидан лавҳалар, йил фасллариининг гўзаллиги ва турли кўринишлари, миллий қадриятларимиз акс этган. Улар орасида “Болалар”, “Еш она”, “Ўсмирлик”, “Ҳосиятлик қор”, “Зомин тоғлари”, “Жимжитлик”, “Чақурик”, “Санъат қучи”, “Ўзгаларни ёритиб – ўзим ёнаман” ва “Эски теғирмон” туркумидаги фото лавҳалар муҳлисларни мулоҳазаларга қорлайди.

Кўргазма катнашчиларининг кўпчилиги нуфузли совринларнинг соҳиби, Тошкент фотобиеннаелари танловлари ва кўргазмаларининг ғолиблари, совриндорлари бўлишган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Best realtor” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика Суд департаменти томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро ҳужжатиға асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, “Янги маҳалла”сидеги 9,12,20-ўй ҳамда “Соғ маҳалла”сидеги 1-ўй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 4941,0 кв.м., 2 қаватли ертўлали ва бир қаватли, бинонинг пойдевори – бетон, девори ғишт, то қоплама-сини тунука, поли бетон бўлган уйлар (манзилида жами 17 та бино (литер), игна баргли ва берёза дархатлари бор) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 5 271 537 697 сўм.

Аукцион савдолари 2017 йил 23 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни масофадан туриб www.emulk.uz сайти орқали онлаин тарзда топшириш мумкин. Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2017 йил 20 март куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулк билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика Суд департаменти вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Best realtor” МЧЖнинг АТБ “Kapitalbank” Тошкент шаҳар филиалида қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445, ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-ўй, Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

“REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ “Тошкент оқшоми” газетасининг 31.01.2017 йилдаги № 21(13.354) сониде чоп этилган эълондаги Бошланғич баҳоси: 20 130 050 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 29.08.2016 йилдаги № 27034/13 - сонли ижро варақасиға асосан хатланган Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Турт ариқ кўчаси, 271 - ўй манзилида умумий 1117,0 кв.м. ер майдонида жойлашган 2 та яшаш хонадан иборат бўлган қўчмас мулк Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани СИБнинг 10.02.2017 йилдаги № 6-7/22-сонли хатиға асосан савдолардан олинганлигини маълум қилади.

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ УЧРАШУВ

Тошкент тиббиёт академиясида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари ва мухбир аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилган бўлиб, унда мамлакатимиз тиббиётининг буюк дарғалари қаторида ёш тадқиқотчи олимлар, талабалар ва академик лицей ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбир аввалида Тошкент тиббиёт академияси ректори Лазиз Тўйчиев илмий-амалий давра суҳбатини очиб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан, академик Турғунпўлат Даминов, академик Шавкат Каримов ва бошқалар мамлакатимизда тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислохотларнинг олий мақсади — инсон

ниятга хизмат қилиш эканлиги, қолаверса, ҳозирги пайтда шифокорларга таълим беришда замонавий технологиялар ўрнининг бекиёслиги, академияда ҳам бу борада катта ишлар қилинаётганлиги, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни янада юксак даражага кўтариш зарурлиги, шунингдек, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да етакчи олимлар билан учрашувлар мунтазам равишда ўтказилиб турилиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Ҳозирги тадбирнинг айнан бизнинг лицейимизда ўтаётгани ҳам раамзий маъно касб этади, — дейди Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей директори Анвар Шермуротов. — Чунки, бугун таълим муассасамизга бир гуруҳ илм-фан намояндалари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академи-

яси аъзолари ташир буюрилган. Ўқувчиларимиз етакчи олимларимизнинг ҳар бир маърузасини зўр қизиқиш билан тингладилар. Фикримча, юртимизда илм-фанни янада ривожлантириш йўлидаги бу каби саъй-ҳаракатлардан талабалар ўзлари учун тегишли хулосаларни чиқариб олишади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари Абдулла Убайдуллаев, Тоҳир Арипов, Абдумавлон Абдуллаев, Абдусаттор Абдукаримовлар талабаларга маърузалар ўқиб, ўртага ташланган масалалар юзасидан ўз фикр-мулохазаларини билдирдилар. Шунингдек, Тошкент тиббиёт академиясида қатор йиллардан буён илм-фан

тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этиши, улар орқали янги билимлар ўзлаштирилиши ва назариялар шакллантирилиши, келгусида амалий тадқиқотлар, қолаверса, инновацион ишланмалар учун мустахкам асос яратилишида академияда улкан имкониятлар мавжудлиги ҳамда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Давра суҳбати сўнггида ана шундай илмий-амалий тадбирларнинг Тошкент тиббиёт академияси ва бошқа тиббиёт олий ўқув юртларида ҳам ўтказилиши юзасидан келишиб олинди.

Бахтиёр Жўраев



К.ЎЛМАСОВ олган сурат

Спорт янгиликлари

ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жорий йилги футбол мавсумига пойтахтимизнинг етакчи жамоалари қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Осиё чемпионлар лигаси турнирининг саралаш босқичида Тошкентда "Ал-Жаиш" клубига қарши ўйин ўтказган "Бунёдкор" жамоаси ушбу баҳсдан аввал Дубайда ўқув-машғулоти йигинида иштирок этганидан мухлисларнинг хабари бор албатта. Йигини доирасида тошкентликлар ўтган йилги Осиё чемпионлар лигаси турнири қолиби "Чонбук Мортор" клуби билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синатишди. Шиддатли ва мурасиз кечган беллашув ҳамшаҳарларимизнинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. "Бунёдкор" томонидан киритилган голларга Элдор Шомуродов ва

Достонбек Хамдамов муаллифлик қилишди.

Тошкентда ўқув-машғулоти йигини доирасида "Обод" жамоаси "НБУ-Осиё" командасига қарши ўртоқлик учрашувида омадини синовдан ўтказди. "Обод" ўринбосарлари ҳамда "НБУ-Осиё" жамоаси баҳсида олий лига вақтлари 1:0 ҳисобида зафар қучган бўлишса, "Обод"нинг асосий таркибидан таркиб топган жамоаси "НБУ-Осиё" клубини 5:1 ҳисобида мағлуб этишди. "Обод" томонидан киритилган голлар Наврўз Хаипов (2 та), Шероўз Норхонов, Санжар Рихсибоев, Шероўз Жалилов ҳисобига ёзилди.

Ақбар Йўлдошев

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари саккизта медални қўлга киритди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТДИ

Ўнта вазн тоифасида ўтказилган мусобақада Ўзбекистон боксчилари муваффақиятли иштирок этишди. Айниқса, вазни 75 килограмм боксчилар ўртасидаги беллашувларда қатнашган Қозимбек Мардоновнинг жанглари муҳлису мутахассисларга манзур бўлди. Истеъдодли боксчидан Қозимбек Мардоновнинг рақиблари Раимкулов, хитойлик Молла

Туохетиконг, қирғизистонлик Азамат Канибек ўғлини мағлуб этиб, финалга чиқди.

Олтин медалга эришган Қозимбек мезбонлар вакили Илос Акматалиев устидан зафар қучди. Оғир вазнда рингга чиққан Сардор Ёрмухамедов турнир давомида барча рақиблари — қирғизистонлик Жаксалик Кузалиев, хитойлик Чен Юнфа ва мезбонларнинг яна бир

вакили Сергей Паренкони енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Мусобақа финалида иштирок этган Рустамжон Исмоилов кумуш, ярим финалгача етиб борган Нодир Мирзахмедов, Ўлугбек Комилов, Алиёр Норалиев, Одил Арслонов, Хасанхон Баратов бронза медалларга эга бўлишди.

Ботир Хўжаев

Одам боласини инсоний фазилатдан, асл қиёфасидан айирадиган ёвуз иллат — гиёҳвандлик балоси. Унинг домига илинганларнинг келажаги завола топади. Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда эзгулик тарафдори бўлган кишиларни жиддий ўйлантираётган муаммолардан бири, айнан, гиёҳвандлик, гиёҳванд воситалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноят ва унинг оқибатларидир.

Мамлакатимизда наркотрафикка қарши курашининг қонуний асослари яратилган. "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонун фикримиз тасдиғидир. Умр қушандаси бўлмиш, гиёҳвандликни таъғиратиш билан йўқ қилиб ташлаш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Гиёҳвандликни тарғиб қилиш, уни тарқатиш қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилган.

Бордию гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга лоқайдлик билан қаралгудек бўлса жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсик, эртанинг келажаги бўлиши ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигига, уларнинг ширин ҳаётига хавф туғдириши, ногирон қилиши, ажал уруғини сочиши шубҳасиз. Айрим ёшларнинг тўқлиққа шўхлик қилиши, бекорчиликдан гиёҳвандликни ўзига "эрмак" қилиб олиши натижасида азиз умрини бой бериши мавжуд фожиянинг моҳиятини тўлиқ ҳис этмасликларини билдиради.

Одамлар учун оғир офат келтириш билан ва уларнинг умрига зомин бўлаётган гиёҳвандликка қарши ҳар қуни, ҳар дақиқа бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар вакиллари билан ҳамжиҳатликда курашмоқ зарурлигини бугун даврнинг ўзи таъқоз этмоқда. Бу дунёда инсон ўз қилишига яраша жазога ёки муқофотга лойиқ топилиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, йўлмай босган қадами учун ҳар қим ўзи жавоб беради. Бироқ, афсуски дунёда "заҳри қотил" деб тан олинган гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчиларнинг сони йилдан-йилга, асосан, ёшлар ҳисобига ортиб бораётгани барчани бирдек ташвишга солмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган маълумотларга қараганда дунё бўйича наркотизмнинг қора бо-

зориди айланаётган пул маблағи дунё аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва тиббий хизматга сарфланаётган ҳаражатларга нисбатан айтарли анча кўп экан.

Қора оғунинг асосий қисми Афғонистонда етиштирилиб, қинғир ва ноқонуний йўллар билан бошқа давлатлар орқали ғарб давлатларига етказишга ҳаракатлар қилиб бораётганлиги ҳам инсонлар тақдирига, саломатлигига, фаровон ҳаётига бефарқ қарамаган олийжаноб, инсонпарвар кишиларни шубҳасиз ўйга толдирмоқда.

олдини олиш, жиноятларни фош этиш бўйича тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича мўлжалланган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда. Тадбирларга тиббиёт муассасалари ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фалолари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда гиёҳвандлик ба-

Гиёҳвандлик — аср вабоси

ИЛЛАТ ИЛДИЗ ОТМАСИН

Ахир, одамизотнинг вазифаси бировларни заҳарлаб бойлик тўплашдан иборат эмас-да. Ҳатто илонлар ҳам бир-бирини чақмас экан, аммо нопок-у, нодон кимсалар инсон наслидан бўлатуриб бундан ҳазар қилмаслиги ҳар қандай қалбларни ҳам вайрон этади.

Мамлакатимиз ҳудудида бу иллатнинг, ажал уруғи тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув хизмати ва унинг жойлардаги тизимлари ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда профилактик ва тезкор тадбирлар, маънавий-тарбиявий профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Бунда, гиёҳвандлик, унинг одамлар ҳаётини, саломатлигини, инсоний қадриятларни қунпаякун қилиб ачинарли оқибатларга олиб келиши, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишининг

лосига қарши кураш ишларига эътибор, гиёҳвандликнинг олдини олиш тизими ва наркотик моддаларга қарши курашни тарғибот-ташвиқот қилишни такомиллаштириш масалалари қучайтирилмоқда.

Бундай тарғибот-ташвиқот ишлари доирасида ички ишлар органлари тизимларида 2016 йил давомида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 314 та телелавҳа ва кўрсатув, 251 та радиотелерадиопрограмм эфирга берилган бўлса, газета-журналларда 271 та мақолалар чоп этилган.

Ҳар йили "Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги" шаҳар-туман, маҳалла фуқаролар йигинларида ушбу офатнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан ўтказилаётган "қорадори" тадбирлари давомида таркибидан наркотик моддалар бўлган ўсимликларни ғайриқонуний равишда етиштириш,

сақлаш каби ҳолатлар аниқланиб, улар ўрнатилган тартибда йўқ қилинмоқда.

Гиёҳвандлик бизнес турига айланишида халқаро жиноий гуруҳларнинг ушбу фаолиятни даромад манбаига айлантириб олгани асосий омиллардан ҳисобланади. Шу боис гиёҳванд воситаларни тарқатиш билан шуғулланувчиларга нисбатан шафқатсиз жазо чоралари қўлланилмоқда.

Аммо, олиб борилаётган ишларга қарамадан меҳнатсиз пул топишни ўзига "хунар" қилиб олган қора оғунинг чакана савдоси билан шуғулланувчи айрим шахслар ички ишлар органлари ходимлари томонидан олиб борилаётган тадбирлар жараёнида аниқланаётганлиги ва уларга қонуний чоралар кўрилатганлиги кенг жамоатчиликни ҳушёрлиқни янада оширишга даъват этади.

Ажал уруғи бўлган қора оғунни сотиб олиш учун маблағ топиш мақсадида гиёҳванд кимсалар ўзлгидан, одамийлигидан, энг қадри бўлган саломатлигидан айрилишлари хавотирли. Гиёҳвандларнинг қўпайиши ҳар қандай жамият учун фожиа. Аксинча, оғуфурӯшлар эса уларнинг кўпроқ бўлишидан манфаат топади. Жиноят содир этиб қўнғанини қаппайтиришни фикр қилади. Гиёҳванд кимсалар оиласидан, фарзандларидан, мол-мулкдан акрალიшларидан ташқари, гиёҳвандлик воситаларига қарам бўлиб қолган ахтиёжи ва нафсларини қондирш учун бошқа жиноятларни содир этишдан ҳам тап тортмайдилар. Гиёҳванд шахс жамиятдан "ўзалиб" қолиши билан бирга, унинг иштирокидаги бир жиноят бошқа жиноятга сабаб бўлиши эҳтимоли юқори бўлади.

Гиёҳвандлик сингари ёвуз иллатга қарши кураш йўлида олиб борилаётган эзгу ишларни бир зум бўлса-да тўхтатмасдан уни бартараф этиш борасида аниқ ижобий ишлар, тақдирлар ва бошқа фаол ҳаракатларни ўз-ўзи давом эттириш нафақат ички ишлар органлари ходимлари ёки кенг жамоатчилик вакилларининг, балки ҳар бир чин ватанпарвар фуқаронинг инсоний вазифаси эканлиги масъулиятини қучқор ағлаб билиш керак. Ана шундагина бу салбий иллатнинг илдиизига болта урган бўламиз.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими

Шифокор маслаҳати

Нафас йўллари ўткир вирусли юқумли хасталикларнинг 50 фоиздан кўпрогини грипп касаллиги ташкил этади. Грипп юқори нафас йўлларида шомоллаши билан кечадиган тез тарқаладиган вирусли юқумли касалликдир. Эпидемия, яъни касаллик кенг тарқалган даврларда умумий аҳолининг 10 фоизи касалланиши мумкин. Катта шаҳарларда эса бу кўрсаткич 40-50 фоизга етади. Ер юзидagi аҳоли орасида грипп вируси доимо айланиб юради.

ЎЗИДАН АСОРАТИ ЁМОН

Грипп билан оғриган бемор аксирганда, йўталганда ва ҳатто сўзлаганда ҳам ҳавога миллионлаб грипп вирусларини чиқаради, лекин улар ҳавода қўринмайди. Шунинг учун грипп бемор билан бир хонада яшаган, ишлаган, йўловчи транспорт салонларида ва кино, концерт залларида бўлган одамлар ўзларига грипп вирусларини юктирадилар. Хона қанчалик тор ва шомоллатилмаган бўлса соғлом одамларнинг касалланиш эҳтимоли шунчалик кўп бўлади. Грипп вирусларини соғлом одамнинг нафас йўлларида кирганда 10-12 соатдан кейин касаллик белгиларини чиқаради.

Грипп билан оғриган беморга уй шароитида қўлланиладиган тадбирлар қўйидагилардан иборат. Беморни алоҳида хонага жойлаштириб, иссиқ тўшаққа ётқизинг. Соник-дастрўмол, идиш-товуқларини алоҳида қилинг. Хоналарни тез-тез шамоллатинг. Кунига 3 маҳал исирик тутатинг. Хонанинг ҳарорати 20-22 градусдан кам бўлмаслигини таъминланг.

Беморга кўп микдорда суюқликлар, лимонли чой, наъматак дамламасини ичинг. Мурчи суюқ, иссиқ овқатлар билан овқатлантиринг. Врач келгунча антигриппин, ремонтадин, афлубин дориларидан бирортасини беринг. Беморнинг аҳоли оғирлашса, гриппга бошқа касалликлар қўшилиса ёки олдинги сурункали касалликлар кўзгаса ўзингиз яшаётган ҳудудингиздаги тиббиёт муассасаларига ёки тез ёрдамга мурожаат қилинг.

Халқ табobatiда мавжуд гриппга қарши курашнинг қўйидаги усуллариغا эътибор қаратинг.

- пиёз ёки саримсоқ ширасини бурунга томизинг;
- мойичак (ромашка) ва далачой (зверобой) дамламалари билан томоқни гарғара қилиш;
- беҳини асал билан духовкада пишириб истеъмол қилиш;
- ўртача катталиқдаги анор ҳўл матога ўраб духовкада бир соат қиздирилади ва унинг шираси сиқилиб кунгига уч маҳал 30-40 граммдан ичилади;
- беморга малиналий чой, кўп микдорда қайнатилган илқ сув ичириш тавсия этилади.

Грипп билан оғриган беморнинг вазна қабул қилиши, ҳаммомда чўмилиши, бошини ювиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилиши қатъиян ман қилинади. Булар беморни менингит, менинго-энцефалит, касалликларига чалиштириши ва бошқа кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, шифокор руҳсатисиз грипп-беморга ҳар қил антибиотиклардан бериш ҳам мумкин эмас. Чунки антибиотиклар вирусларга таъсир қилмайди. Гриппнинг ўзи эмас, балки унинг асоратлари кўпроқ хавфли.

Гриппдан сўнг беморда тез-тез терлаш, толиқиш, уйқунинг бузилиши, кайфиятининг ўзгариб туриши каби ҳолатлар бир неча ҳафта давом этиши мумкин.

Овқатланишдаги асосий талаб тананга етарли микдорда оксиллар, минерал тузлар, микроэлементлар, витаминлар тушишини таъминлашдан, углеводлар тушишини чегаралашдан иборат. Грипп касаллиги билан оғриган беморлар суюқ, аччиқ, витаминли таомларни истеъмол қилиши, пиёз ва саримсоқ пиёзни овқатга ва салатларга кўпроқ солиши лозим.

Ҳар қуни эрталаб ўртача катталиқдаги яримта лимонни 150-200 гр. қайнатилган иссиқ сувга сиқиб, унга бир чой қошиқ асал ёки шакар қўшиб ичилади. Наъматак дамламасини ҳам шу тартибда ичиш мумкин.

Асосий овқатларни шу овқатга тенг микдордаги салатлар билан истеъмол қилишни одат қилинг. Салатларни қўл остингизда бўлган полиз маҳсулотларидан ҳар қил аралашмада тайёрлаш мумкин. Салатларга ўкроп, петрушка, саримсоқ, пиёз қўйишни унутманг.

Мева ва полиз маҳсулотларидан тайёрланган шарбатлар, айниқса, олма, қизил сабзи, қизил лавлаги шарбатлари фойдали. Шарбатларни уй шароитида, истеъмол қилишдан олдин тайёрлашни тавсия этамиз.

Бадани қиздириш ва терлаш мақсадида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қатъиян ман қилинади. Бу кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Гриппга қарши эмлашни амалга оширишни ҳам унутманг. Гриппга қарши бир қанча вакциналар мавжуд. Ҳозирги даврда Республикада синовдан ўтган "Инфлювак" вакцинаси билан эмлаш яхши натижа беради. Эмлаш грипп даражасини ва асоратларини касалликка чалинганларда кечишини енгиллаштириди, ўлимнинг олдини олади. Ушбу вакцина бир вақтинг ўзида грипп вирусининг 3 хилдан ҳимоя қилади. Грипп эпидемиясидан олдин болаларни, ҳомилдорларни, қарияларни, сурункали касалликлар билан оғирётганларни гриппга қарши эмлатиш катта аҳамиятга эга. Эмлаш маҳаллий қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларда амалга оширилади.

Дилором ЁДГОРОВА,
Мирзо Ўлугбек тумани марказий поликлиникаси шифокори

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

тезликда шомол эсади.
Ҳарорат кечаси — 0-2,
кундузи — 8-10 даража
илик бўлади.

Ўзгидрометнинг мо-
ниторинг хизмати ма-
лумотиға кўра, 15 февралда
Тошкент шаҳрининг об-ҳаво
шароити шаҳар ҳаво муҳити-
да зарарли моддаларнинг бир
оз тарқалиш кетишига имко-
ният яратди, ифлосланиш
даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 235

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95;
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12148 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30

1 2 3 4 5